# Ўзбекистон Республикаси
# Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# 5111900-Дефектология (Олигофренопедагогика) таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент-2018

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
"25" 08 2018 й.

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат педагогика универститети.

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | ***5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)*** бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи ........................................................................................ | 1 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................ | 1 |
| 1.2. | ***5111900 - Дефектология (Олигофренопедагогика)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи ........................................................................... | 1 |
| *2.* | ***5111900 - Дефектология (Олигофренопедагогика)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................ | 3 |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 3 |
| 2.2. | ***5111900 - Дефектология (Олигофренопедагогика)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................................................................................ | 3 |
| *3.* | ***5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар........................................................................................ | 4 |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 5 |
| 3.2. | ***5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................ | 7 |

## 1. *5111900- Дефектология (Олигофренопедагогика)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5111900- Дефектология (Олигофренопедагогика)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малака(даража)си ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака (даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111900- Олигофренопедагогика*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари таснифи**

**1.2.1. *5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5111900 – Олигофренопедагогика*** бакалавриат таълим йўналиши- махсус мактаблар; махсус мактабгача таълим муассасалари; болалар "Мурувват" уйлари;

“Меҳрибонлик” уйлари; соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, нодавлат ташкилотлар; ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар **касбий фаолиятининг объектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари,маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5111900 - Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- *махсус мактабгача таълим муассасаларида, болалар “Мурувват уй”лари, “Меҳрибонлик” уйларида гурухли ва якка машғулотларни ўтиш;*
- *соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда дефектолог сифатида фаолият кўрсатиш;*
- *махсус мактаб ҳамда махсус мактаб-интернатларда дарслар ўтиши, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассассаларида мутахассисликка оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;*
- *педагогика илмий-тадқиқот институтларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаши;*
- *таълим марказларида методист бўлиб ишлаш;*
- *нодавлат ташкилотларида мутахассис сифатида ишлаш*

***1.2.3. 5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *педагогик;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

***1.2.4.* Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

*1.2.5.* **Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5111900 - Олигофренопедагогика*** таълим йўналиши бўйича бакалавр ***5A111901 – Махсус педагогика, дефектология (Олигофренопедагогика)*** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ***ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак***.

**Бакалавр:**

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

### *2.2. Дефектология (Олигофренопедагогика)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

**педагогик фаолиятида:**

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

– дефектология тарихи, таълимоти, йирик намояндалари, дефектологиянинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

– олигофренопедагогика тарихи, назариясига оид билимларни эгаллаш, дефектологиянинг долзарб масалаларини илғай олиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

– анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

- ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда махсус таълим мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиши, дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни тўғри истифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш ***қобилиятига эга бўлиши;***

***Коррекцион-педагогик:***

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг махсус методикаларини эгаллаган бўлиши;

- нутқнинг фонетико-фонематик, лексик-грамматик томонидаги, ўқиш ва ёзишдаги нуқсонларни, дудуқланиш ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этиш юзасидан ишларни олиб боришни билиши;

- ривожланишида оғир ва кўп нуқсонга эга бўлган болалар учун уларнинг психик ва ижтимоий ривожланишини комплекс баҳолаш асосида якка ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни билиши;

- мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда ўйин ва интерфаол технологияларни қўллашни билиши;

- ижтимоий ҳимоя ва соғликни сақлаш тизими тасарруфидаги муассасаларда (илк ёшдаги болалар уйлари ва “Мурувват” уйлари) коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ташкил этиш учун шароит яратиш ва бу ишларни ташкил этишни билиши;

- инклюзив таълимни амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида коррекцион-педагогик фаолиятни амалга оширишни билиши;

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ҳимоя-педагогик кун тартибини ташкил этишни, коррекцион-педагогик фаолиятни ва бошқа ишларни болаларнинг психик ва жисмоний имкониятларини эътиборга олиб соғлиғини мустаҳкамлашга қаратган ҳолда ташкил этишни билиши;

- мураккаб педагогик вазиятлар юзага келганда уларни ҳал этиш бўйича ижодий потенциалга эга бўлиши, коррекцион-педагогик жараёнларни, таълимнинг мазмуни ва методларини боланинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мослаштира олиши;

- табиий офатлар ва кутилмаган вазиятларда болалар ва ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри ташкил этишни билиши керак.

***Диагностик-маслаҳат:***

- турли ёш босқичлари ва болалар ривожланишидаги турли хил нуқсонларни психологик-педагогик ва логопедик ташхис қилишнинг стандартлашган методларини, болаларни текширишни тўғри ташкил қилишни ва текширишдан олинган натижаларни якка коррекцион-ривожлантирувчи дастур тузиш ҳамда болани тегишли таълим муассасасига йўналтириш мақсадида тахлил қилишни билиши;

- коррекцион-ривожлантирувчи таъсирни самаралилигини баҳолаш мақсадида динамик кузатувни амалга оширишни билиши;

- тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолиятини ташкил этишни билиши;

- ота-оналарга болада мавжуд нуқсонларнинг хусусиятлари ва унинг ривожланиш истиқболи ҳақидаги маълумотлар беришни, уларни коррекцион-педагогик фаолият жараёнига тенг ҳуқуқли партнерлар сифатида жалб эта олиши;

- илк ёшдаги болаларни психологик-педагогик томондан эрта ташхис қилишни, улар учун якка коррекцион-ривожлантирувчи дастурни ишлаб чиқишни билиши керак.

***Коммуникатив*:**

- психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган шахслар ва уларнинг оиласига эмпатик ва инсонпарвар муносабатда бўлиши;

- ташвиқот ишларини олиб боришни, ўқув-методик ишлар бўйича мунораза юритишни, ривожланишида нуқсони бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни билиши;

- ҳамкасабалари ва бошқа мутахассислар билан мулоқот қилишни, ривожланишида нуқсони бўлган болани ўқитиш, тарбиялаш ва реабилитация қилиш бўйича жамоанинг фаол аъзоси сифатидаги дефектолог учун зарур бўлган малакаларни эгаллаган бўлиши керак.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

– боланинг ривожланишида қандай оғир нуқсонга эга бўлишидан қатъий назар қобилияти ва истаклари бўйича сифатли таълим олиш имкониятига эга тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қабул қилиш;

– болага ёрдам кўрсатиш, унинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялашга ва жамиятга муваффақиятли интеграцияланишига кўмаклашиш;

– боланинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялаш ва унинг ривожланиши учун зарур имкониятларни яратиш бўйича ўзининг билимларига ва ҳозирги замон махсус психологик-педагогик технологияларнинг имкониятларига ишониш;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

## 3. *Дефектология (Олигофренопедагогика)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5111900 – Олигофренопедагогика*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

интернет воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, веб-квестларни яратиш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасини шакллантириши;

математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида;

талабаларга бакалавриат таълим йўналишининг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллаши ва уни қўллашни шакллантириш;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлар шарт - шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкламанинг организмга таъсирини ўрганиш;

бакалаврларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги асосий тушунчалар, экологик муаммолар, бу муоммоларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш учун экологик маълумотга эга бўлишлари;

табиат қонунларидан хабардор бўлишлари, табиат билан жамият ўртасидаги узвий боғликликнинг туб моҳиятларини англаб етишлари.

***Умумкасбий фанлар блоки бўйича:***

гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим олувчиларнинг умумкасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, касбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар томонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва худудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти,оғзаки ва ёзма нутқт маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштитиришларига эришиш лозим.

***Ихтисослик фанлар блоки бўйича:***

бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;

аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашишни *таъминлаши лозим.*

***Қўшимча фанлар блоки бўйича:***

талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини *таъминлаши лозим.*

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### *3.2. 5111900 – Дефектология (Олигофренопедагогика)* **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим – 60,3%;
- аттестациялар – 9,3 %;
- таътил -15,7 %;
- малакавий амалиёт – 11,8 %;
- битирув малакавий иши - 3%.

Назарий таълим ҳажми "Гуманитар" билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Гуманитар ва табиий-илмий фанлар 25 %;
- умумкасбий фанлар 46,2 %;
- ихтисослик фанлар 23 %;
- қўшимча фанлар 5,70 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, ақли заифлик, коррекция, нутқ бузилишлари, компенсация, реабилитация, абилитация, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар, ақли заифлик даражалари, интеллектуал нуқсонлар, рухий ривожланишнинг сустлашиши, оғзаки ва ёзма нутқ бузилишлари, касбий фаолият соҳаси, йўналиш, ўрганиш натижалари, касб таълими, психология, касбий педагогика, таълимда ахборот технологиялар, педагогик маҳорат, педагогик технологиялар, методика, олий таълимнинг давлат таълим стандарти, бакалавриат, магистратура, малакавий талаблар, таълим дастури, таълим фанлари блоки, ўқув режа, ўқув фани, малакавий амалиёт, стандартлар категорияси, умумий малакавий талаблар, якуний давлат аттестацияси, таълим сифатини назорат қилиш, таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари, йўналишнинг умумий тавсифи.

**5111900-Дефектология (*Олигофренопедагогика*) бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми |
|---|---|---|
| **1.00.** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1650** |
| 1.01. | Ўзбекистон тарихи | **78** |
| 1.02. | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | **78** |
| 1.03. | Фалсафа | **128** |
| 1.04. | Диншунослик | **64** |
| 1.05. | Ўзбек (рус) тили | **150** |
| 1.06. | Хорижий тил | **356** |
| 1.07. | Жисмоний тарбия ва спорт* | **128** |
| 1.08. | Таълимда ахборот технологиялари | **184** |
| 1.09. | Математика | **116** |
| 1.10. | Анатомия. Одам генетикаси | **116** |
| 1.11. | Экология ва табиатни муҳофаза қилиш | **58** |
| *1.12.* | *Танлов фанлари* | *194* |
| *1.12.01.* | *Кичик бизнес ва тадбиркорлик* | 68 |
| *1.12.02.* | *Ёш физиологияси ва гигиена* | 88 |
| *1.12.03.* | *Танлов фанлари* | 68 |
| **2.00.** | **Умумкасбий фанлар** | **3046** |
| 2.01. | Умумий психология | **248** |
| 2.02. | Умумий педагогика | **276** |
| 2.03. | Махсус педагогика ва махсус психология | **362** |
| 2.04. | Олигофренопедагогика | **248** |
| 2.05. | Олигофренопсихология | **156** |
| 2.06. | Болалар ривожланишидаги нуқсонларнинг клиник асослари | **276** |
| 2.07. | Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси | **136** |
| 2.08. | Эрта ташхис ва абилитация | **98** |
| 2.09. | Она тили ўқитиш махсус методикаси | **344** |
| 2.10. | Математика ўқитиш махсус методикаси | **344** |
| 2.11. | Тасвирий санъат ва қўл меҳнатини ўқитиш технологияси | **424** |
| 2.12. | Инклюзив таълим | **134** |
| **3.00.** | **Ихтисослик фанлари** | **1516** |
| 3.01. | Табиатшунослик ва география ўқитиш махсус методикаси | **240** |
| 3.02. | Тарих ўқитиш махсус методикаси | **96** |
| 3.03. | Ижтимоий-маиший ҳаётга йўналтириш | **136** |
| 3.04. | Мактабгача олигофренопедагогика | **96** |
| 3.04. | Мактабгача тарбия махсус методикаси | **268** |
| 3.05. | Логопедия | **362** |
| *3.06.* | *Танлов фанлари* | **318** |
| *3.06.01.* | *Махсус мактаб ўқувчиларининг оила психологияси* | **142** |
| *3.06.02.* | *Махсус таълимда ижтимоий ҳимоя ва интеграция* | **176** |
| **4.00.** | **Қўшимча фанлар** | **376** |
| 4.01. | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | **120** |
| 4.02. | Амалий инглиз тили | **62** |
| 4.03. | Ўқитувчи нутқ маданияти | **62** |
| 4.04. | Кохлеар имплантли болалар билан олиб бориладиган ишлар | **132** |
|  | **ЖАМИ** | **6588** |
|  | **Малакавий амалиёт** | **1296** |
|  | **Битирув малакавий иши** | **324** |
|  | **Аттестациялар** | **1026** |
|  | **ЖАМИ** | **2646** |
|  | **ҲАММАСИ** | **9234** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ________________ **Ш.Шарипов**

2018 йил «_6_»_08_______

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

**Директор** ________________

2018 йил «_6_»_08_______

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

**Директор** ________________ **Б.Рахимов**

2018 йил «_10_»_08_______

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш Бош бошқармаси**

**Бошлиқ** ________________ **С.Ниязбеков**

2018 йил «_10_»_08_______

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ўқув-методик мажмуаларни яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси**

**Бошлиқ** ________________ **Д.Темиров**

2018 йил «_10_»_08_______

М.Ў.

**“5111900- Дефектология (Олигофренопедагогика)” бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| № | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | Ш.С.Шарипов | Раис – Низомий номидаги ТДПУ ректори, п.ф.д. | |
| 2 | Д.У.Эргашев | Раис ўринбосари - Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор, п.ф.н. | |
| | | ***Аъзолари*** | |
| 3 | Л.Ш.Нурмухамедова | Низомий номидаги ТДПУ Педагогика факультети декани, п.ф.н., доц. | |
| 4 | З.М.Ахмедова | Низомий номидаги ТДПУ “Коррекцион педагогика” кафедраси мудири, п.ф.н., доц. | |
| 5 | Д.Б.Якубжанова | Низомий номидаги ТДПУ “Махсус таълим матодикалари” кафедраси мудири, PhD, доцент в/б. | |
| 6 | Д.А.Нуркелдиева | Низомий номидаги ТДПУ “Махсус таълим методикалари” кафедраси доценти, п.ф.н. | |
| 7 | М.П.Хамидова | Низомий номидаги ТДПУ “Махсус таълим методикалари” кафедраси доценти, п.ф.н. | |

**Ректор ____________________________ Ш.С.Шарипов**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари бўйича проректор ___________ Д.У.Эргашев**

**Декан ___________ Л.Ш.Нурмухамедова**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш. "10" 08 2018 й.

**Қатнашдилар:** Ф.Жўрақулов – ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Жўраев - ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Ф.Г.Шарипов – ГулистонДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Бойтиллаев – НамангаНДУ ўқув ишлари бўйича проректори, М.Жумамуротов – НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, А.Қўшақов – НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Давлетов – Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Тургунбаев – Умумий математика кафедраси мудири, С.Турсунов – Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Дўстматов - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири, О.Искандаров - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Г.Шахмурова - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Турсунбоева - Ботаника кафедраси мудири, Н.Алимқулов - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Д.Маматқулов - Зоология ва анатомия кафедраси мудири, З.Салиева – Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири, Н.Халилова – Психология кафедраси мудири, Г.Джанпеисова – Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Д.Якубжонова – Махсус таълим методикаси кафедраси мудири, З.Аҳмедова – Коррекцион педагогика кафедраси мудири, С.Назаров – Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., О.Юсупов – Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, О.Латипов - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Ю.Матенова - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Рахматуллаева - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Н.Жамолов - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири, К.Туленова – Ижтимоий-иктисодий фанлар кафедраси мудири в.б., Г.Анорқулова – Касб таълими методикаси кафедраси мудири, Д.Маматов – Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири, Н.Ташимов – Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Халилов – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Л.Набиуллина – Ахборот технологиялари кафедраси мудири, А.Холиқов – Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, У.Раджабов – Жисмоний маданият кафедраси мудири, Қ.Панжиев – Мусиқа таълими кафедраси мудири ва таклиф этилганлар.

**КУН ТАРТИБИ**

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи

гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси:

Сўзга чикди: Д.Эргашев – маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди. ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-услубий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив ҳужжатлар асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини лойиҳалари қайта ишлаб чиқилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

| | | |
|---|---|---|
| Ш.С.Шарипов | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Д.У.Эргашев | - | Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| Д.Давлетов | - | Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Тургунбаев | - | Умумий математика кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - | Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Дўстматов | - | Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири; |
| О.Искандаров | - | Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Г.Шахмурова | - | Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Турсунбоева | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Н.Алимқулов | - | География ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Маматқулов | - | Зоология ва анатомия кафедраси мудири; |
| З.Салиева | - | Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири; |
| Г.Джанпеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Яқубжонова | - | Махсус таълим методикаси кафедраси мудири; |
| З.Аҳмедова | - | Коррекцион педагогика кафедраси мудири; |
| С.Назаров | - | Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| О.Юсупов | - | Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири; |
| О.Латипов | - | Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Ю.Матенова | - | Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Рахматуллаева | - | Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Н.Жамолов | - | Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири; |
| К.Туленова | - | Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б.; |

Г.Анорқулова - Касб таълими методикаси кафедраси мудири;
Д.Маматов - Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири;
Н.Ташимов - Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Р.Халилов - Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Л.Набиуллина - Ахборот технологиялари кафедраси мудири;
А.Холиқов - Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири;
У.Раджабов - Жисмоний маданият кафедраси мудири;
Қ.Панжиев - Мусиқа таълими кафедраси мудири;

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.
2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.
3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **Ш.С.Шарипов**

**Котиб** **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳалари бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 531 -сонли**

# БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш. "14" 08 2018 й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси** – Ш.С.Шарипов
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 16 нафар.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университетида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Ш.С.Шарипов:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини таянч олий таълим муассасаси ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва малакали профессор-ўқитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* такомиллаштирилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Жўрақулов, ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Н.Жўраев, НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори М.Жумамуротов, НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори А.Қўшақов, университет профессорлари Б.Абдуллаева, Н.Муслимов, доцентлар Н.Алимқулов, З.Салиева, А.Д.Давлетовлар сўзга чиқиб, *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Д.Эргашев:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим

сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан такомиллаштирилган малака талабларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар тўлалигича ўз аксини топди, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилса бўлади.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.
2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари, “Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” билан расмийлаштирилган ва малака талабларга илова қилинади).
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.
4. *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **Ш.С.Шарипов**

**Масъул котиб** **А.А.Хўжаев**

**Тошкент давлат педагогика университети 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. «10» 08 2018 й.

Биз қуйидаги имзо қўювчилар –Республика таълим маркази директори М.Эсанов ва ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори Д.У.Эргашевлар халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда ТДПУнинг профессор-ўқитувчилари биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари* “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режалари фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази директори — М.Эсанов

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор — Д.У.Эргашев

**5111900-Дефектология (олигофренопедагогика) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси юзасидан малака талабларига берилган**

## ТАҚРИЗ

Таълим соҳасидаги туб ислоҳотларнинг асосий мақсади жаҳон андозалари асосида билимлар бериш ва рақаботбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Замон талабларига мос равишда яратилган 5111900-Дефектология (олигофренопедагогика) таълим йўналиши бўйича 4 йилдан кам бўлмаган давр мобайнида бакалавриат босқичида билим олишни таъминлайдиган малака талабларининг тайёрланиши республикамизда малакали кадрлар етиштириб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур малака талаблари жаҳон таълим тизимида етакчи мамлакатлар стандартлари ва ўқув режаси тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилган. Малака талабларида ўқишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва объектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари, касбий фаолиятнинг вазифалари ва таълимни давом эттириш имкониятлари кенг ёритилган.

Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларда умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанларга қўйилган талаблар, шунингдек, умумкасбий фанлар бўйича бериладиган билимларга, фанлар бўйича малака ва кўникма ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар етарли даражада тўғри қўйилган. Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талабларда таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар, таълим дастурининг татбиқ этилиши, малакавий амалиётларни ташкил этиш, ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш, таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш, ўқув жараёнининг моддий техник базаси бўйича талаблар батафсил баён этилган.

Малака талабларига киритилган фанлар замон талабидан келиб чиққан ҳолда танланган ва уларга ажратилган соатлар ҳажми ҳам етарли даражада шаклланган. Бундан ташқари, ушбу малака талаблари таълимнинг узвийлиги ва фанлараро интеграциялаш талабларига жавоб беришини қайд этиш лозим.

5111900 - Дефектология (олигофренопедагогика) таълими йўналиши бўйича тайёрланган Малака талаблари ва ўқув режаси замон талабларига жавоб беради ҳамда бакалаврлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиниши мумкин.

А.Авлоний номидаги ХТТРМҚТМОИ
"Корректсион таълимни ташкил этиш
ва бошқариш кафедраси" мудири
п.ф.н., доцент Д.А.Назарова

IMZONI TASDIQLAYMAN K.B.
Imzo

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI A.AVLONIY NOMIDAGI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
KADRLAR BO'LIMI

**5111900-Дефектология (олигофренопедагогика) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига**

# ТАҚРИЗ

5111900-Дефектология (олигофренопедагогика) бакалавриат таълим йўналиши учун яратилган малака талабларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизимининг асосий қоидалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг асосий таълаблари эътиборга олинган.

Ушбу тайёрланган малака талабларида бакалаврлар тайёрлашга қўйилган умумий малакавий талаблар, умумкасбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимлар, фанлар бўйича малакава кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри амалга оширилган. Шунингдек, бакалавриат таълим йўналишининг умумий таъснифи доирасида қўлланиш соҳаси, бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи келтирилган, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган умумий талабларда таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қуйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларда ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми келтирилганлиги мутахассислик бўйича курсларнинг мавжудлиги фанлар ўртасидаги узвийликни таъминлашга хизмат қилади.

Малака талабларини келтирилган таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Малака талабларида амалий хорижий тилни, касбга йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштирилишини таъминлашга эришиш учун замин яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилганлиги аҳамиятга эга.

5111900-Дефектология (олигофренопедагогика) бакалавриат таълим йўналиши учун ишлаб чиқилган малака талаблари талаб даражасига келтирилган деб ҳисоблайман.

Низомий номидаги ТДПУ
“Коррекцион педагогика”
кафедраси доценти, п.ф.н. Ш.М.Амирсаидова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
XODIMLAR BO'LIMI

Ш. Амирсаидова ning imzosini tasdiqlayman Nizomiy nomli TDPU ilmiy Kengashining kotibi
11.07.2018

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосланилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари ҳисобга олинди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блоки 20-30%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича "Умумметодологик фанлар" блоки 25-30%, "Мутахассислик фанлари" блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 15-30% ни ташкил этди ва ўзгармаган ҳолда қолди.

Ушбу малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларига мос, таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларини амалга оширишга йўналтирилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиёт қўядиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талаблари шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда узвийлик ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилиши натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари инобатга олинди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чиқаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор Д.У.Эргашев**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

# МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда педагогик кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга сарфланиши танқидий таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 24 ҳафта қилиб белгиланди. Мактабгача таълим йўналиши (3 йиллик) талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 14 ҳафта, ўқиш даври 3 йил қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилади, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутишини эътиборга олиб, ушбу **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режасига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинади.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Д.У.Эргашев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат педагогика университети бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

<table>
<tr><th colspan="2">Бакалавриат таълим йўналиши</th><th rowspan="2">Бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари</th></tr>
<tr><th>Шифри</th><th>Номи</th></tr>
<tr><td>5111900</td><td>Дефектология (олигофренопедагогика)</td><td>Касбий фаолиятнинг соҳалари:<br>- махсус мактаблар; махсус мактабгача таълим муассасалари; болалар “Мурувват” уйлари; “Меҳрибонлик” уйлари; соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, нодавлат ташкилотлар; ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари;<br>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;<br>оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.<br>Касбий фаолиятнинг объектлари:<br>- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;<br>- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;<br>- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;<br>- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари,маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.<br>Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.<br>Касбий фаолиятнинг турлари:<br>• педагогик;<br>• илмий-тадқиқот;<br>• маънавий-маърифий;<br>• ташкилий-бошқарув;</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | | *Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*<br>Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.<br>**Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:**<br>• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;<br>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;<br>• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;<br>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;<br>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;<br>• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ***ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак***.<br>**Бакалавр:**<br>• таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>• тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;<br>• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш |

| | | |
|---|---|---|
| | | тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.<br>***2.2. 5111900-* Дефектология (олигофренопедагогика) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**<br>**педагогик фаолиятида:**<br>таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;<br>яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;<br>таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;<br>таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;<br>таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш;<br>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;<br>– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.<br>– дефектология тарихи, таълимоти, йирик намояндалари, дефектологиянинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;<br>– олигофренопедагогика тарихи, назариясига оид билимларни эгаллаш, дефектологиянинг долзарб масалаларини илғай олиш ва ўқувчиларга етказа олиш;<br>– анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, фактларни |

| | | |
|---|---|---|
| | | таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;<br>- ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда махсус таълим мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиши, дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;<br>– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;<br>– ахборотларни тўғри истифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш ***қобилиятига эга бўлиши;***<br>***Коррекцион-педагогик:***<br>- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши;<br>- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши;<br>- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг махсус методикаларини эгаллаган бўлиши;<br>- нутқнинг фонетико-фонематик, лексик-грамматик томонидаги, ўқиш ва ёзишдаги нуқсонларни, дудуқланиш ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этиш юзасидан ишларни олиб боришни билиши;<br>- ривожланишида оғир ва кўп нуқсонга эга бўлган болалар учун уларнинг психик ва ижтимоий ривожланишини комплекс баҳолаш асосида якка ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни билиши;<br>- мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда ўйин ва интерфаол технологияларни қўллашни билиши;<br>- ижтимоий ҳимоя ва соғликни сақлаш тизими тасарруфидаги муассасаларда (илк ёшдаги болалар уйлари ва “Мурувват” уйлари) коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ташкил этиш учун шароит яратиш ва бу ишларни ташкил этишни билиши;<br>- инклюзив таълимни амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида коррекцион-педагогик фаолиятни амалга оширишни билиши;<br>- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни |

| | | |
|---|---|---|
| | | ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ҳимоя-педагогик кун тартибини ташкил этишни, коррекцион-педагогик фаолиятни ва бошқа ишларни болаларнинг психик ва жисмоний имкониятларини эътиборга олиб соғлиғини мустаҳкамлашга қаратган ҳолда ташкил этишни билиши;<br>- мураккаб педагогик вазиятлар юзага келганда уларни ҳал этиш бўйича ижодий потенциалга эга бўлиши, коррекцион-педагогик жараёнларни, таълимнинг мазмуни ва методларини боланинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мослаштира олиши;<br>- табиий офатлар ва кутилмаган вазиятларда болалар ва ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тўғри ташкил этишни билиши керак.<br>***Диагностик-маслаҳат:***<br>- турли ёш босқичлари ва болалар ривожланишидаги турли хил нуқсонларни психологик-педагогик ва логопедик ташхис қилишнинг стандартлашган методларини, болаларни текширишни тўғри ташкил қилишни ва текширишдан олинган натижаларни якка коррекцион-ривожлантирувчи дастур тузиш ҳамда болани тегишли таълим муассасасига йўналтириш мақсадида тахлил қилишни билиши;<br>- коррекцион-ривожлантирувчи таъсирни самаралилигини баҳолаш мақсадида динамик кузатувни амалга оширишни билиши;<br>- тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолиятини ташкил этишни билиши;<br>- ота-оналарга болада мавжуд нуқсонларнинг хусусиятлари ва унинг ривожланиш истиқболи ҳақидаги маълумотлар беришни, уларни коррекцион-педагогик фаолият жараёнига тенг ҳуқуқли партнерлар сифатида жалб эта олиши;<br>- илк ёшдаги болаларни психологик-педагогик томондан эрта ташхис қилишни, улар учун якка коррекцион-ривожлантирувчи дастурни ишлаб чиқишни билиши керак.<br>***Коммуникатив*:**<br>- психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган шахслар ва уларнинг оиласига эмпатик ва инсонпарвар муносабатда бўлиши;<br>- ташвиқот ишларини олиб боришни, ўқув-методик ишлар бўйича мунораза юритишни, ривожланишида нуқсони бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни билиши;<br>- ҳамкасабалари ва бошқа мутахассислар билан мулоқот қилишни, ривожланишида нуқсони бўлган болани ўқитиш, тарбиялаш ва реабилитация қилиш бўйича жамоанинг фаол аъзоси сифатидаги дефектолог учун зарур бўлган малакаларни эгаллаган бўлиши керак.<br>**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**<br>илмий-тадқиқот институтлари ва илмий |

| | | |
|---|---|---|
| | | марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;<br>интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;<br>таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;<br>илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;<br>маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;<br>тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***<br>**Маънавий-маърифий фаолиятида:**<br>маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;<br>ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;<br>– боланинг ривожланишида қандай оғир нуқсонга эга бўлишидан қатъий назар қобилияти ва истаклари бўйича сифатли таълим олиш имкониятига эга тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қабул қилиш;<br>– болага ёрдам кўрсатиш, унинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялашга ва жамиятга муваффақиятли интеграцияланишига кўмаклашиш;<br>– боланинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялаш ва унинг ривожланиши учун зарур имкониятларни яратиш бўйича ўзининг билимларига ва ҳозирги замон махсус психологик-педагогик технологияларнинг имкониятларига ишониш;<br>глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***<br>**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**<br>педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат |

| | | |
|---|---|---|
| | | хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;<br>жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;<br>бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.*** |

**«5111900- Дефектология (олигофренопедагогика)» бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш**

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Буюк британия (bachelor) | Америка қўшма штатлари (bachelor) | Россия (бакалавриат) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошланиши | Ўрта таълимдан кейин | Ўрта таълимдан кейин | Ўрта таълимдан кейин | Ўрта таълимдан кейин |
| 2 | Давомийлиги | 4 йил | 3 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3 | Таълим олувчилар сони | Муассасага бериладиган квоталарга боғлиқ | Муассасага бериладиган квоталарга боғлиқ | Муассасага бериладиган квоталарга боғлиқ | Муассасага бериладиган квоталарга боғлиқ |
| 4 | Ўтиш жойлари | Педагогика олий таълим муссасалари, махсус мактаб интернатлари, мактабгача таълим муассасалари | Университет даражасидаги педагогик коллежлар, университетлар | Университет даражасидаги педагогик коллежлар, университетлар | Педагогика олийгоҳлари, таълим муассасалари |
| 5 | Таълим берувчилар | Педагогика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мактаб ва МТМларнинг дефектолог-ўқитувчилари | Masters educational begree, PhD даражасига эга умумтаълим, психологик-педогогик фанлар ва «Special Education» соҳа мутахасисликлари бўлган профессор-ўқитувчилар | Masters educational begree, PhD даражасига эга умумтаълим, психологик-педагогик фанлар ва «Special Education» соҳа мутахассисликлари бўлган профессор-ўқитувчилар | Педагогика олийгоҳидаги профессор-ўқитувчилари, мактаб ва МТМларнинг дефектолог-ўқитувчилари |
| 6 | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктирилган бошқа ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факультет деканати, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчи ўзига бириктирилган талабалар билан индивудуал тарзда фаолият юритади |

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Буюк британия (bachelor) | Америка қўшма штатлари (bachelor) | Россия (бакалавриат) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Назарий таълим | Кафедрадаги профессор-ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади. Асосий қисм семинар машғулотлари кўринишида асосий базада ва қисман амалиёт ўтиладиган муассасаларда ўтказилади | Асосан педагогик амалиёт марказларида семинар дарслари ва кичик конференциялар, талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради | Асосан педагогик амалиёт марказларида семинар дарслари ва кичик конференция, талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради | Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади |
| 2 | Амалий | Ўқув дастурида кўрсатилган махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларда амалга оширилади | Ўқув дастурида кўрсатилган махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларда амалга оширилади | Ўқув дастурида кўрсатилган махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларда амалга оширилади | Ўқув дастурида кўрсатилган махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларда амалга оширилади |
| 3 | Илмий-тадқиқот ишлари | Бакалавриатурада таълим олувчилар танланган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларида олиб борадилар. Кафедра ёки бошқа махсус муассасалар профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Бакалавриат талабаси мазкур мавзу юзасидан илмий-назарий ва экспериментал тажқиқот олиб боради | Олиб борилмайди | Олиб борилмайди | Бакалавриатурада таълим олувчилар танланган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан махсус таълим муассасалари, мактаб интернатларида олиб борадилар. Кафедра ёки бошқа махсус муассасаларининг профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Бакалавриат талабаси мазкур мавзу юзасидан илмий-назарий ва экспериментал тажқиқот олиб боради. |
| 4 | Мустақил таълим | Бакалавриат талабалари | Бакалавриат талабалари | Бакалавриат талабалари | Бакалавриат талабалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | берилган мавзулар асосида мустақил изланишлар олиб борган холда, эришган натижаларини реферат, доклад, кўргазмали воситалар сифатида тақдим этади | фанга оид презентациялар, рефератлар, уй вазифалари ва лойиҳаларни тайёрлайди | фанга оид презентациялар, рефератлар, уй вазифалари ва лойихаларни тайёрлайди | берилган мавзулар асосида мустақил изланишлар олиб борган холда, эришган натижаларини реферат, доклад, кўргазмали воситалар сифатида тақдим этади |
| 5 | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакалавриат талабаларининг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш рейтинг тизим асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади | Бакалавриат талабаларининг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади.<br>Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатилади ва мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма, тест кўринишида амалга оширилади | Бакалавриат талабаларининг жорий билими, компетенция ва ўзлаштириш орқали тест саволлари орқали билимларини даврий оғзаки кўринишида текшириш,<br>цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнгида резидентлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларини ўз ичига олган ёзма имтиҳон топширадилар | Бакалавриат талабаларининг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш рейтинг тизим асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади |

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги**

| Ўзбекистон Республикаси ТДПУ | Муддати | Буюк британия (bachelor) | Муддати | Америка қўшма штатлари (bachelor) | Муддати | Россия (бакалавриат) | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Гуманитар ва табиий-илмий фанлар<br><br>2.Умумкасбий фанлар<br><br>3.Ихтисослик фанлар<br><br>4.Қўшимча фанлар | 4йил давомида<br><br>4йил давомида<br><br>4йил давомида<br><br>4йил давомида | 1.Барча талабалар учун зарур бўлган умутаълим “базис” курслари<br><br>2.Психологик-педагогик фанлар цикли:<br>*Pedagogy and learning theory<br>*Teach education<br>3. “Фан” курслари<br><br>4.Мутахассислик фанлар ва тьютор машғулотлари:<br>*Fourdations of Special Education<br>*Disability areas including Emotional/Behavioral Disorders Learning Disabilities. Autism and other Developmental Disabilities and Early Childhool Special Edication<br>*Disability across the lifespan<br>*Liteace development for learners with disabilities | Ўқув вақтининг 23%<br><br>Ўқув вақтининг 25%<br><br>Ўқув вақтининг 30%<br><br>Ўқув вақтининг 10-12% 10-11% | 1.Барча талабалар учун зарур бўлган умутаълим “базис” курслари<br><br>2.Психологик-педагогик фанлар цикли:<br>*Pedagogy and learning theory<br>*Teach education<br>3. “Фан” курслари<br><br>4.Мутахассислик фанлар ва тьютор машғулотлари:<br>*Fourdations of Special Education<br>*Disability areas including Emotional/Behavioral Disorders Learning Disabilities. Autism and other Developmental Disabilities and Early Childhool Special Edication<br>*Disability across the lifespan<br>*Liteace development for learners with disabilities | Ўқув вақтининг 23%<br><br>Ўқув вақтининг 25%<br><br>Ўқув вақтининг 30%<br><br>Ўқув вақтининг 10-12% 10-11% | 1.Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар<br><br>2.Математик ва табиий-илмий фанлар<br><br>3.Умумкасбий фанлар<br><br>4.Ихтисослик фанлар<br><br>5.Қўшимча фанлар | 4йил давомида<br><br>4йил давомида<br><br>4йил давомида<br><br>4йил давомида<br><br>4йил давомида |